

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

«СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» КАФЕДРАСИ

“ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ” ФАНИДАН

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: АКЦИЗОСТИ ТОВАРЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА
УЛАРДАН СОЛИҚ УНДИРИШ ЖАРАЁНИ**

**БАЖАРДИ: СТ-80 ГУРУҲИ
ТАЛАБАСИ ТЎРАМУРOTOV Ф.**

ТОШКЕНТ-2013

Режа:

Кириш

1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва уни ундиришнинг илмий-услубий асослари.
2. Акциз солиғини ундиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили.
3. Акциз солиғини ундиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси.
4. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида акциз солиғини ундириш жараёнини такомиллаштириш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш.

Солиқ тизимининг қанчалик узоқ давом этиши унинг қанчалик илмий асосланганлигига барқарорлигига боғлиқ. Бизнинг давлатимизда ҳам солиқ тизимига алоҳида аҳамият берилиб, бир қатор фармонлар, қарорлар қабул қилинмоқда ва унинг эркинлаштирилишига эришилмоқда. Солиқ тизимини эркинлаштириш мазкур соҳаларда эришиладиган ютуқлар гаровидир. Шу сабабли, мамлакатимиз ривожланишининг муҳим устувор йўналиши сифатида солиқ сиёсатини эркинлаштириш устувор йўналиш сифатида белгиланиши бежиз эмас. Солиқ сиёсати мамлакатда олиб борилаётган макроиктисодий ва бюджет сиёсатларининг таркибий қисми бўлиб, давлат томонидан солиқлар соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими бўлиб, унинг мақсадлари мазкур сиёсатларнинг мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу борада республикаимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Юқорида билдирилган фикрларнинг нечоғли ҳақиқатга яқинлигини давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг қуйида билдирган фикрларида ҳам кўриш мумкин: **“2012 йилда солиқ юқини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани бунини яққол тасдиқлайди. Шуларга қарамадан, давлат бюджетининг даромадлар қисми кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0.4 фоизни ташкил этди¹”**.

Иқтисодий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ўзига хос солиқ тизимининг вужудга келиши аввало унинг таркибига кирувчи солиқларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Солиқ тизимида энг ички ўзгарувчан,

¹ “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Маърифат газетаси, 19 январь 2013 йил, №6

ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кўплаб омиллари билан тўқнашувчи солиқ бу - акциз солиғидир. Шу боис, акциз солиғининг моҳиятини ижтимоий-иқтисодий тараққиётга боғлиқ ҳолда ўрганиш энг долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, акциз солиғининг моҳияти доимо эгри солиқлар доирасида ўрганиб келинган. Акциз солиғи эгри солиқ бўлганлиги сабабли унинг иқтисодий моҳияти давлат билан юридик шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Шу боис, акциз солиғи ўзига хос фискал иқтисодий категория сифатида қаралиши лозимдир.

Акциз солиғини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш, ривожланган хорижий давлатларда акциз солиғидан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш, уларни мамлакатимиз иқтисодий шарт-шароитларига мослаган ҳолда қўллаш имкониятларини кўриб чиқиш, шунингдек ундан амалиётда фойдаланиш натижаларида керакли хулосалар чиқариш ва уни такомиллаштириш зарур. Шу сабабдан ушбу курс ишида акциз солиғини тадқиқот қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва унинг олдига қуйидаги муаммоларни ечишни асосий вазифа қилиб белгиладик:

- акциз солиғининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ўрганиш, унинг мазмунини очиш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида акциз солиғининг асосий вазифаларини ва солиқ тизимидаги тутган ўрнини аниқлаш ҳамда уни изоҳлаш;
- акциз солиғининг амалда иқтисодиётни ва жамият ривожланишидаги тутган ўрни, шу жумладан бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғини таҳлил қилиш;
- акциз солиғининг амалиётда қўлланиш тартибини ўрганиб чиқиш, уни ҳисоблаш ва тартибини таҳлил қилиш;
- хорижий ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва улардан бизнинг иқтисодий шароитларда фойдаланиш чегараларини аниқлаш.

Мазкур курс ишида акциз солиғини ундиришга оид йиғилган тажриба ва маълумотларини умумлаштириш ва тизимлаштириш билан чекланиб қолмасдан уларни чуқур таҳлил этиш ва танқидий ўрганиш асосида ушбу солиқни такомиллаштиришнинг алоҳида йўналишларини асослашга ҳаракат қилинди.

1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва уни ундиришнинг илмий-услубий асослари.

Акциз солиғи эгри солиқлар турига кирганлиги сабабли унга иқтисодий нуқтаи назардан ёндошганимизда қўшилган қиймат солиғига жуда яқиндир. Уларнинг яқинлиги давлат билан ҳуқуқий шахслар ўртасида вужудга келувчи объектив мажбурий тўловларга асосланган молиявий муносабатлар орқали характерланади. Бу икки иқтисодий категорияларнинг ўзаро боғлиқлиги ва махсус ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши миллий даромаднинг бир қисми бўлган пул маблағларини давлат ихтиёрига сафарбар қилишда кўпроқ намоён бўлмоқда. Шу боис, бундай солиқларга ўзига хос фискал иқтисодий категория сифатида қаралиши муҳимдир.

Акцизларнинг тарихига эътибор берадиган бўлсак, ушбу солиқ жуда қадимдан қўлланиб келинган солиқ туридир. Айтайлик, қўшилган қиймат солиғидан фарқли уларок акцизлар азалдан давлатлар раҳбарлари (шоҳлар, монархлар, императорлар) томонидан мамлакат хазинасини тўлдирувчи ягона манба сифатида жорий этилган. Акцизлар билвосита солиққа тортишнинг қадимги шаклларида бири бўлиб, уларнинг тилга олиниши қадимги Рим даврларига тўғри келади. Ўша вақтда тузга ва бошқа бир қанча кенг истеъмол қилинадиган маҳсулотларга акциз солиғи қўлланилган. Акцизлар X-XI асрларда пайдо бўлиб, қайсики акциз солиғига биринчи марта спирт ичимликларидан ундириладиган бўлди. Кейинги юз йиллар мобайнида кучли спиртли ичимликлардан акциз олиниши майдони анча кенгайиб борган. Албатта, айнан “акциз солиғи” номи билан номланмаган бўлсада, бу солиқ ҳозирда “акциз солиғи” номи билан аталмиш солиқ турининг

вазифасини тулалиғича бажарган. Тарихий маълумотларга кўра, Россия подшолигида 1901 йилда акцизлар мамлакат хазинаси даромад қисмининг 61 фоизини ташкил қилган. Эътибор берадиган бўлсак, акцизлар божларни ҳисобга олмасак энг қадимги солиқ солиш шаклидир.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан солиққа тортишнинг акциз шакли анча ривожланди. Кейинги даврларда ҳақиқий даромад - мулкни солиққа тортишнинг ривожланиши жараёнида акцизлар бир неча бор ўзининг ҳолатини ўзгартирди. Бироқ, ҳозирги кунда акциз солиғи барча давлатлар солиқ тизимида қўлланилмоқда ва давлатнинг молиявий ресурсларини шакллантиришда сезиларли ролни ўйнамоқда. Масалан, Франция ва Германияда акцизлар давлат бюджети даромадининг деярли 50 фоизини ташкил қилмоқда, Буюк Британияда эса 38 фоизини, Японияда эса 16 фоизи²ни ташкил қилмоқда.

Бизга маълумки, акциз сўзи француз тилидаги “*accise*“ сўзидан олинган ва бу солиқ турига таъриф берсак, акциз - бу баъзи истеъмол товарлари қийматига устама сифатида қўйиладиган эгри солиқдир. Ушбу истеъмол товарларининг рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади. Акцизга бошқача таъриф берадиган булсак, бу соф даромаднинг бюджетга бевосита солиқ кўринишида киритиладиган қисми бўлиб, у нархда ва қўшилган қийматдаги солиққа тортиш базасида ҳисобга олинади.

Ҳозирги вақтда республикамыз бюджетида акциз солиғи буйича солиқ тушумларининг юқорилиги билан характерланади. Бу эса фақат бир нарсадан, яъни давлат бу солиқ тури ёрдамида бюджетга тушумларни ошириш билан фақат фискал сиёсатининг янада мустаҳкамланишини мақсад қилиб қўйишидан дарак беради.

Маълумки, эгри солиқларнинг асосий вазифаси маблағ йиғишдан иборат, яъни у фискал функцияни тўлиқ бажаради. Лекин бозор жараёнлари ривожланиб борган сари эгри солиқларнинг фискал функция билан бир

² Черник Д.Г. Налоги. Учебное пособие, М.: 1998. С. 89

каторда бошқа вазифалари ҳам амал қила бошлайди. Давлат иқтисодиётни тартибга солиш ва ички миллий бозорни ривожлантиришда ҳамда ҳимоялашда асосан, эгри солиқларга таянади. Давлат бу солиқлар орқали мамлакат ҳудудига айрим товарларни кўпроқ олиб кириш ёки олиб чиқиш ва бунинг аксини ифодаловчи вазифаларни бажариши мумкин.

Эгри солиқлар, шу жумладан, акциз солиғи ҳам, бугунги кунда давлат бюджетини шакллантираётган асосий солиқлардан ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтаётган кўпчилик мамлакатларда эгри солиқлар узок вақт фискал функцияни бажаради. Ривожланган давлатлар солиқ амалиётини кузатсак, бюджет даромадларида эгри солиқлар салмоғи паст даражада бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда бюджет даромадлари таркибида эгри солиқлар салмоғи биринчи ўринни эгалласа, ривожланган давлатларда бюджет даромадлари таркибида тўғри солиқлар биринчи ўринни эгаллайди. Бизнинг республикаимиз ҳам ривожланаётган давлат ҳисобланганлиги боис, эгри солиқлар давлат бюджетида етакчи ўринни эгаллайди. Акциз солиғидан тушумлар таҳлилидан олдин эгри солиқларнинг бюджет даромадларидаги улушини таҳлил этсак. Қуйидаги жадвалда эгри солиқларнинг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи тўғрисида маълумот берилган:

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида эгри солиқлар салмоғи динамикаси³

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	млн.сўм	жами нис-н, %да	млн.сўм	жами нис-н, %да	млн.сўм	жами нис-н, %да	млн.сўм	жами нис-н, %да
Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами	10421382,5	100	13116396,9	100	16178563,5	100	20614100,0	100
Эгри солиқлар	5162093,6	49,5	6973809,5	53,1	8656853,1	53,5	11187800,0	54,3
Қўшилган қиймат солиғи	3093980,9	29,7	3987982,3	30,4	5228773,9	32,3	6784500,0	33,0

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига иловалар асосида тайёрланди.

Акциз солиғи	1503827,0	14,4	2191092,1	16,7	2481794,0	15,3	3115500,0	15,1
Божхона божи	361100,0	3,5	479267,2	3,8	515980,5	3,2	732400,0	3,5
Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	203185,7	1,9	315467,9	2,4	430304,7	2,6	555400,0	2,7

Юқорида келтирилган жадваллар маълумотларидан кўришиб турибдики, Давлат бюджети даромадлари умумий суммаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бунга албатта бир қанча омиллар таъсир қилади. Масалан, солиқ ставкаларининг оширилиши, янги солиқ турларининг жорий этилиши, инфляция, янги даромад манбаларининг яратилиши ва хоказолар. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига келиб тушаётган эгри солиқлар таркибида акциз солиғидан тушумларнинг салмоғи камайиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, давлат бюджети даромадлари таркибида акциз солиғидан тушумлар 2009 йилда 14.4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 16.7 фоизгача ўсган, бироқ 2011 йилда унинг салмоғи 15.3 фоизни ташкил этган ҳолда камайганини кузатиш мумкин, 2012 йилда эса акциз солиғининг жами бюджет даромадларида салмоғи 15.1 фоизни ташкил этган.

Эгри солиқлар таркибида транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг улуши кейинги йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлган, масалан 2009 йилда ушбу солиқнинг жами даромадлардаги улуши 1.9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 2.7 фоизни ташкил этган ҳолда ўсганлигини кузатиш мумкин.

Энди Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари қисмини йиллар бўйича таҳлил килсак:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари
таркибида акциз солиғининг салмоғи тўғрисида маълумот⁴**

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	млн.сўм	жам и нис- н, %да	млн.сўм	жам и нис- н, %да	млн.сўм	жами нис- н, %да	млн.сўм	жам и нис- н, %да
Эгри солиқлар	5162093,6	100	6973809,5	100	8656853,1	100	11187800,0	100
Акциз солиғи	1503827,0	29.1	2191092,1	31.4	2481794,0	28.7	3115500,0	27.8

Жадвал маълумотларини таҳлил этар эканмиз, охирги йилларда акциз солиғидан тушумлар салмоғи нобарқарорлик тенденциясига эғалигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2009 йилда акциз солиғининг эгри солиқлар бўйича даромадлардаги улуши 29.1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 31.4 фоизни ташкил этган, яъни ортганини кўриш мумкин, 2011 йилда эса уларнинг салмоғини камайганини (28.7 фоиз), 2012 йилда ҳам унинг улуши 27.8 фоизни ташкил этгани ҳолда камайиш тенденциясига эга бўлганлигини кузатиш мумкин.

Давлатимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг у ўз йўлини танлади. Бу йул ҳозирги ривожланган давлатлар бораётган бозор иқтисодиётидир. Ҳозирги кунда давлатимиз бошидан бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврини бошидан кечирмокда. Ривожланган давлатлар тажрибасидан бизга маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эгри солиқларнинг ролини ошириш жуда муҳимдир, чунки катта миқдордаги маблағни топиш учун уни тўғридан - тўғри солиқ тўловчидан (юридик ёки жисмоний шахсдан), унинг даромадидан ундирадиган бўлсак, у ҳолда у бундай солиқ юкини кутаролмайди. Охир оқибатда инқирозга учрайди. Шунинг учун бу маблағни товар (иш, хизмат)ларни истеъмол қилувчилар елкасига маълум бир вақтгача (бозор муносабатларига ўтиб олгунча) юкласак мақсадга

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига иловалар асосида тайёрланди.

мувофиқ бўлади. Акциз солиғи умумий тушумида республикамизда юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига тўланадиган акциз солиғи суммаси салмоқли ўринни эгаллайди. Унинг умумий акциз солиғи тушумидаги улуши йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бунинг сабаблари, биринчидан, ароқ маҳсулотига талабнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши; иккинчидан, ароқ маҳсулотига акциз солиғи ставкаларининг юқори белгиланиши; учинчидан, импорт қилинадиган ароқ маҳсулотларига акциз солиғи ставкасининг нихоятда юқори белгиланиши ва ушбу импорт ароқ маҳсулотлари нархининг акциз солиғи эвазига юқори даражада бўлиши ва хоказолар.

Умумий қилиб айтганда, акциз солиғи бюджет даромадларининг ишончли ва барқарор манбасига айланган.

2. Акциз солиғини ундиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили.

Акциз солиғи Ўзбекистон Республикасида 1992 йилдан бошлаб 1991 йил 15 февралдаги “Қорхона, бирлашма ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Қонун асосида жорий қилинган. Акциз солиғи бу соф даромаднинг нархда ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, билвосита солиқ сифатида бюджетга ўтказиладиган (ундириладиган) бир қисмидан иборатдир. Ҳозирги кунда акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг VIII бўлим, 229-241 моддалари билан ундирилади ва ҳукукий тартибга солиб турилади. Акциз ости товарлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асосида белгиланади ҳамда белгиланган тартибда солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан етказилади.

Қуйида келтирилаётган жадвалда акциз ости товарлари сонининг йиллар бўйича ўзгариш анъанаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Акциз ости товарлари сонининг йиллардаги ўзгариш анъанаси⁵

Йиллар	Акциз ости товарлари сони
1992	-
1993	17
1994	19
1995	17
1996	18
1997	18
1998	18
1999	25
2000	27
2001	28
2002	27
2003	26
2004	25
2005	22
2006	19
2007	19
2008	13
2009-2013	14

Солиқ кодексининг 229-моддасига мувофиқ, акциз солиғи тўловчилар бўлиб қуйидаги юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;
- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

Юқорида билидирилган фикрларни чизмада ифодаласа қуйидаги кўринишга эга бўлади:

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Президенти қарорларига иловалар асосида тайёрланди.



1-чизма. Акциз солиғи тўловчиларининг гуруҳланиши⁶.

Солиқ кодексининг 230-моддасига мувофиқ, қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади:

- 1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш;
- 2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондида (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;
- 3) ишлаб чиқарилган ва (ёки) казиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;
- 4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар божхона расмийлаштирувидан ўтказилган сана уларга доир операция амалга оширилган санадир.

Акциз солиғини солиш базаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (катъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида қуйидаги формула билан аниқланади:

⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида тайёрланди.

С х А,

бунда:

С - тегишли ўлчов бирликларида сотилган маҳсулотнинг физик ҳажми;

А - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Буни қуйида келтирилган жадвал маълумотларига таянган ҳолда изоҳласак :

4-жадвал

**Ставкалари қатъий белгиланган акциз ости товари бўйича
акциз солиғининг ҳисоб-китоби⁷**

(ўсимлик (пахта) ёғи бўйича)

т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сумма
1.	Корхонанинг ҳисоб-китоб нархи	1 тонна учун сўмда	182900
2.	Акциз солиғи:		
	а) умумбелгиланган ставкада	1 тонна учун сўмда	796 059
	б) бюджетга тўланадигани	1 тонна учун сўмда	796 059

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, акциз солиғи бюджетга 1 тонна учун 796 059 сўм миқдорида тўланади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Ставкалари фоизларда белгиланган акцизланадиган маҳсулот бўйича акциз солиғининг ҳисоб-китобини шартли мисол тариқасида таҳлил этамиз.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O \times A / 100$$

бу ерда:

О – ҚҚС ва акциз солиғи киритилмаган нарх;

А - акциз солиғи ставкаси.

⁷ Жадвал шартли равишда муаллиф томонидан ҳисобланди

Юқоридаги формуладан фойдаланиб қуйидаги жадвал маълумотларини таҳлил этамиз:

5-жадвал

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғининг ҳисоб-китоби⁸

№	Кўрсаткичлар		сумма
1.	Маҳсулот бирлигининг таннархи	минг. сўм	1 500,0
2.	Зарур фойда	минг. сўм	100,0
3.	Маҳсулотнинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр + 2-сатр)	минг. сўм	1 600,0
4.	Акциз солиғи ставкаси	%	25
6.	Акциз солиғининг суммаси (3-сатр x 4-сатр)	минг. сўм	400,0

Жадвал маълумотларидан кўрииниб турибдики, корхона акциз солиғини юқоридаги тартиб асосида ҳисоблайди ва бюджетга 400.0 минг сўм миқдорида акциз солиғи тўлайди.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннаридан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннаридан кам бўлмаган даражада белгилайдиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база

⁸ Жадвал шартли равишда муаллиф томонидан ҳисобланди

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

Бизга маълумки, акциз солиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган хом ашёдан (маҳсулотдан) акциз ости товарлари ишлаб чиқарилган тақдирда, хом ашё (маҳсулот) бўйича тўланган акциз солиғи суммаси ишлаб чиқариш харажатларига киритилмайди, балки тайёр маҳсулотнинг сотилган ҳажми бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммасини аниқлаш чоғида ҳисобга олиниши керак.

Алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё (спирт) бўйича акциз солиғини ҳисобга олиш тартибини таҳлил этамиз.

6-жадвал

Алкоғолли маҳсулот бўйича ҳисобга киритиш (1 бутилка ароқ мисолида)⁹

т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
1.	Ароқ таркибидаги спиртнинг ҳажми, (%)	40
2.	Ароққа доир акциз солиғининг ставкаси (1 дал тайёр маҳсулотга, сўмда)	26 160
3.	Акциз солиғининг суммаси: (1 бутилка ароқ учун сўмда)	
	тайёр маҳсулотга ҳисоблаб ёзилган	1 308
4.	Этил спирти учун акциз солиғининг ставкаси (1 дал спирт учун сўмда)	3 031
5.	1 бутилка ароқ учун ҳисобга олинадиган спирт учун тўланган акциз солиғи суммаси	60.62
6.	Бюджетга тўланадиган ароқ бўйича акциз солиғининг суммаси (1 дал тайёр маҳсулот учун сўмда)	1247.38

Ҳисобга олинадиган акциз солиғи суммаси устидан назоратни амалга ошириш учун акциз ости хом ашёси (маҳсулоти)ни етказиб берувчилар ҳисобварақ-фактураларда юклаб жўнатилган хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммасини ажратиб кўрсатишлари керак. Агар харид қилинаётган акциз ости хом ашё (маҳсулот) бўйича акциз солиғи суммаси

⁹ Жадвал шартли равишда муаллиф томонидан ҳисобланди.

ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, у ҳисоб-китоб йўли билан ҳисоблаб чиқарилмайди ва тайёр маҳсулот бўйича ҳисобга олинмайди.

Акциз солиғидан имтиёзлар янги тахрирдаги солиқ кодексида кўзда тутилмаган бўлсада, қуйидагиларга акциз солиғи солинмаслигини эътироф этиш лозим:

- акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

- кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

- табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва беғараз техник кўмак сифатида, шунингдек хайрия мақсадлари учун акциз тўланадиган товарларни давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишга;

- акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

Солиқ кодексининг 236-моддасига мувофиқ, акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

- жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;
- жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;
- келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай – ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи товарларнинг божхона расмийлаштирувига қадар ёки божхона расмийлаштируви вақтида импорт қилувчи томонидан тўланади.

Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, шунингдек унинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда акциз маркалари билан тамғаланиши шарт.

3. Акциз солиғини ундиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси

Акциз солиғи хорижий давлатларда кенг қўлланилиб, унинг амал қилиш механизми (тартиби) ва солиқ тизимидаги аҳамияти турли давлатларда турличадир. Акциз солиғи давлат солиқ сиёсатининг асосий қисмларидан бири бўлиб, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий манбалардан биридир.

Масалан, Италияда акциз солиқлари эгри солиқлар ичида фискаллик аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Акцизли даромадларнинг асосий қисмини нефт ва нефт маҳсулотлари ҳамда тамаки маҳсулотларидан тушумлар таъминлайди. Ўхшаш ҳолат бир қатор МДХ давлатларида ҳам кузатилади. Жумладан, эгри солиқлар ичида акциз солиқларининг улуши Қирғизистонда 32 фоизгача, Тожикистонда эса 34 фоизгача ўсган.

Федератив давлат тузилишига эга мамлакатларда акцизли даромадлар, солиқ қонунчилигига кўра, федерал бюджетга йўналтирилади. Масалан, Германияда федерал бюджет тушумлари истёмол талабидаги маҳсулотлар (бензин ва бошқа нефть ёқилғилари - 5.6 фоиз, тамаки - 3.1 фоиз, вино ва ароқ маҳсулотлари - 0.8 фоиз ва бошқалар)га солинадиган солиқлар (акцизлар) ҳисобига шаклланади. Спиртли ароқ маҳсулотларига солинадиган солиқлардан (пивога солинадиган солиқдан ташқари, ушбу солиқ тўлиғича Ерлар бюджетига ўтказилади) тушумлар тўлиғича федерал бюджетга ўтказилади. 1994 йилда Германия давлат бюджети даромадларининг асосий қисми: минерал ёқилғи (31,8 млрд. марка), кофе (2 млрд. марка), тамаки маҳсулотларига (15,5 млрд. марка) солинадиган акцизлар ҳисобига шаклланган¹⁰.

АҚШ давлат бюджети даромадларида акцизлар салмоғи қуйидаги жадвалда келтирилади.

¹⁰ Налоговые системы зарубежных стран / Под ред. В.Г.Князева, Д.Г.Черника. М., 1997. с.49

АҚШ давлат бюджети даромадларида акциз солиғининг салмоғи¹¹

	Федерал бюджет	Штатлар бюджети	Муниципал бюджет
Акциз солиғи (фоизда)	4	20	-

Австралияда акцизли даромадларнинг 90 фоизи товарларнинг уч гуруҳига: автомобил ёқилғиси, тамаки маҳсулотлари ҳамда алкогольли ичимликларга тўғри келади.

Кейинги ўринларда акциз солиғининг мазкур давлатларда амал қилиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

АҚШда акцизлар бир неча гуруҳларга бўлинади:

- ёқилғи маҳсулотлари (бензин, дизел ёқилғиси, авиация керосини)га солинадиган солиқлар;
- саноат буюмлари (автомобил шиналари, ов қилиш ва балиқ овлаш учун махсус жиҳозлар, тиббий вакцина ва фаол препаратлар)га солинадиган солиқлар;
- коммуникация ва транспорт солиқлари;
- табиатни муҳофаза қилиш йиғимлари ва бошқалар.

Францияда акциз ости товарларига қуйидаги товарлар киради: алкогольли ичимликлар, тамаки, гугурт, турли ёндиргичлар, қимматбаҳо металллардан тайёрланган буюмлар, шакар, кондитерлик маҳсулотлари, пиво, газланган минерал сувлар, транспорт воситаларининг айрим турлари ва бошқалар.

Буюк Британияда эгри солиқлар гуруҳида иккинчи ўринни акцизлар эгаллайди. Ёқилғи мақсадларида фойдаланиладиган нефт маҳсулотлари, қолган бошқа мақсадлар учун фойдаланиладиганларига нисбатан юқори ставкаларда акциз солиғига тортилади.

¹¹ К.Рудый Финансово-кредитные системы зарубежных стран. -М.: Новое знание. 2003. с.122

Автомобиллар учун экологик тоза бўлган ёқилғи турлари (юқори даражада тозаланган бензин, газ ва олтингугурт даражаси камайтирилган дизел ёқилғиси)дан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида акциз солиғининг паст даражадаги ставкалари кўзда тутилган. Транспорт воситалари учун ишлатилмайдиган керосин, саноат, қишлоқ хўжалиги ва денгиз кемачилигида фойдаланиладиган мойлаш материаллари акциз солиғига паст ставкаларда ёки умуман тортилмайди. Ўрин босувчи ёқилғи турлари нефт маҳсулотларига қўлланиладиган ставкаларда акциз солиғига тортилади.

Спиртли ичимликлар, вино, пиво, олма виносига акциз солиғи ставкалари ичимлик қуввати ва идиш ҳажмига қараб табақалашгандир. Илмий, тиббий, тадқиқот ва саноат мақсадларида ишлатиладиган спирт акциз солиғига тортилмайди. Сигареталар учун акциз солиғи ҳар бир сигаретадан қисман қатъий суммаларда ва қисман чакана нархлардан фоиз кўринишида ундирилади. Бошқа тамаки маҳсулотларига акциз солиғи уларнинг оғирлигидан ундирилади. Ҳукумат чекишга қарши курашиш дастури доирасида тамаки ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини яна 5 фоизга оширишни мўлжалламоқда. Бундан ташқари, акциз солиғи казино, пул тикиш, гаров ўйнаш, бинго ва автомат ўйинларига ҳам солинади.

Канадада акцизлар икки қисмга: федерал ва ҳудудий акцизларга бўлинади. Ҳудудий акцизларни жорий этиш ҳуқуқи провинциялар ҳукумати ваколатидадир. Акциз солиғини ундириш федерал ҳукуматнинг алоҳида ҳуқуқи (сиёсати) ҳисобланади. Бундан ташқари, Канадада акцизлар солиққа тортишнинг энг қадимги шакли ҳисобланади. Бензин, алкогольли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари асосий акциз ости товарлари ҳисобланади. Бензинга солиқ (ва автомобилларни рўйхатга олишда лицензия йиғими) провинцияларда зарурат туфайли (1924-1926 йилларда автомобил йўллари етишмас эди) жорий этилган. Бензинга солиқ провинцияларда қатъий белгиланган суммаларда ёки нархга устама шаклида фоизларда белгиланади. Иккинчи жаҳон уруши даврида федерал ҳукумат солиқни ўз ставкаси билан тўлдирди ҳамда 1970 йилдаги нефт инқирозидан кейин ташқи савдони тартибга солиш доирасида уни федерация

ваколати деб эълон қилди. Бироқ, 1986 йилдаги нефт вазвасасидан кейин Оттава ёнилғи бозоридаги ўз иштирокини сақлаб қолди. Ҳозирги кунда иккала даражадаги ҳукумат ҳам солиқни йиғишда қатнашмоқдалар. Федерал акциз солиғи қатъий белгиланган ставкаларда (1 литр учун 8 цент миқдорида) ундирилади.

Умуман олганда барча давлатларга хос бўлган умумийлик акциз солиғига тортиладиган товарлар гуруҳи (истеъмол товарлари, минерал ресурслар ва хашам буюмлар) ҳисобланади. Демак, хорижий давлатларда акцизлар нафақат бюджет даромадларининг асосий манбаи, балки ижтимоий зарар бўлган маҳсулотлар истеъмоли ва импорт товарлар ҳажмини чеклаш ҳамда товарлар баҳосига таъсир этишнинг самарали усули ҳамдир.

4. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида акциз солиғини ундириш жараёнини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги кунда иқтисодийни эркинлаштириш даврини бошдан кечирмоқда. Бу албатта босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ислохатлар Республикаимизнинг ҳар бир соҳасида самарали олиб борилмоқда. Республикаимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, республикаимизда давлат ҳаражатларини қоплаш учун керакли ресурсларни шакллантиришни таъминлайдиган ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир қиладиган янги солиқ тизими яратилди. Эгри солиқлар тизимида аниқ масалалар шу солиқ хусусияти ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши керак, балки бу солиқ турига унга хос бўлмаган бошқа вазифани қўллаш билан эмас. Фақатгина шунда эгри солиқлар тизимини бир қолипга келтириш мумкин. Шунинг учун акциз солиғи доирасида янгиликлар киритиш керак, яъни ставкаларни белгилашда товарларнинг талаб эгилувчанлигига эътибор бериш, қатъий акцизостии товарлар рўйхатини белгилаш кабилар.

Бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларига эга эканмиз, шу нуқтаи назардан ҳам акцизларда янгилик қилиш даркордир. Шулар билан бир қаторда мамлакат ичкарасида ишлаб чиқарилаётган товарлар ҳимояси учун, масалан,

автомобиллар каби товарларга нисбатан солиқ ва божхона назоратини ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Акциз солиғи борасида қуйидаги бир нечта такомиллаштириш йўлларини келтириб ўтишни лозим топдик:

1. Бизга маълумки, республикамизда акциз солиғи товар қийматига нисбатан қатъий ставкаларда белгиланган. Баъзи ривожланган длатларда акциз солиғининг товар бирликларига нисбатан маълум бир суммада белгиланганлигини кузатишимиз мумкин. Бизнинг республикамизда ҳам барча товарлар учун ушбуни қўлласа фойдадан холи бўлмас эди.

2. Солиқ механизмнинг фискал вазифасидан фойдаланган ҳолда бир қанча макроиктисодий муаммоларни ҳал этишга эришилади ва шу муносабат билан акциз солиғининг ижтимоий-иктисодий тараққиётга таъсири белгиланади. Масалан, экспортга чиқариладиган айрим товарларни акциз солиғидан озод қилиниши ҳам корхоналарни ташқи иқтисодий фаолиятларини оширишга, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва эркин алмаштириладиган валютани мамлакатга олиб киришга имкон беради. Акциз солиғини тартиблашдаги асосий муаммо бўлиб, акциз солиғига тортиладиган товарлар ва маҳсулотлар рўйхатини аниқлашдаги муаммолар ҳисобланади, яъни ҳар йилда бир хил товарлар бу рўйхатга кўшилиб, яна чиқарилади. Бизнинг фикримизча, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг мустаҳкам турини аниқлаб олиш вақти келди.

3. Акциз солиғи доирасидаги яна бир камчилик, акциз ости товарларининг иқтисодий муҳитга таъсиридир. Бизнинг фикримизча, ушбу товарларнинг истеъмолини ҳам тартибга солиб туриш лозим. Бундан кўриниб турибдики, ушбу солиқнинг асосан фискал функциясига эътибор берилишида унинг иқтисодий муҳитга таъсир этиши эътибордан четда қолмоқда.

4. Акциз солиғига тортиладиган товарларга солиқ ставкаларини белгилашда ҳам анча камчиликлар мавжуд. Биринчидан, бу солиқ ставкаларининг тез ўзгарувчанлиги, яъни айрим товарлар бўйича акциз солиғи

ставкалари бир йилнинг ичида бир неча марта ўзгариши, бу эса солиқни давлат бюджетига ўтказишдаги ва унинг ҳисоб-китобини олиб бориш бўйича солиқ тўловчиларда муаммоларни туғдирмокда. Иккинчидан, айрим товарлар бўйича, яъни жуда ҳам зарур бўлмаган ва бойлик белгиси ҳисобланган кумуш буюмлари ҳамда бошқа айрим товарлар бўйича солиқ ставкаси жуда паст, лекин ҳўжалик мақсадлари учун зарур бўлган айрим товарларнинг солиқ ставкаси нисбатан юқори фоизни ташкил этади, бу эса албатта жамият миқёсида бошқа товарлар нархининг ўсишига олиб келади. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу солиқ ставкасининг нефть маҳсулотларига нисбатан кўтарилишининг ижобий томонлари ҳам мавжуд. Жумладан, бу ишни амалга ошириш билан бошқа солиқ ставкаларининг пасайишига олиб келади. Жисмоний ва юридик шахсларга ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасини ҳар хил қилиб табақалаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ўйлаймиз.

5. Акциз солиғи суммасини давлат бюджетига ўтказишни тартиблаштириш муаммоларидан бири бўлиб, солиқни ҳар 10 кундан кейин маҳсулотни харидорларга жўнатгандан сўнг, 3 кун ичида ўтказилишидир, лекин ҳозирги тартибларга мувофиқ маҳсулотни харидорга жўнатганлигини тасдиқловчи ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилган кун маҳсулот реализациясидан далолат беради, гарчи бу маҳсулот учун ҳали пул тўлови келиб тушмаган бўлса ҳам. Бу эса солиқ тўловчиларда солиқ суммасини бюджетга ўтказишда қийинчиликларни пайдо қилмокда. Бизнинг фикримизча, акциз солиғи суммасини тўлаш бир ойлик қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда акциз солиғини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни келтирамиз:

1. Бизга маълумки, республикамызда акциз солиғи товар қийматига нисбатан қатъий ставкаларда белгиланган. Баъзи ривожланган длатларда акциз солиғининг товар бирликларига нисбатан маълум бир суммада белгиланганлигини кузатишимиз мумкин. Бизнинг республикамызда ҳам барча товарлар учун ушбуни қўлласа фойдадан холи бўлмас эди..

2. Акциз солиғини тартиблашдаги асосий муаммо бўлиб, акциз солиғига тортиладиган товарлар ва маҳсулотлар рўйхатини аниқлашдаги муаммолар ҳисобланади, яъни ҳар йилда бир хил товарлар бу рўйхатга кўшилиб, яна чиқарилади. Бизнинг фикримизча, акциз солиғига тортиладиган товарларнинг мустақкам турини аниқлаб олиш вақти келди.

3. Акциз солиғи доирасидаги яна бир камчилик, акциз ости товарларининг иқтисодий муҳитга таъсиридир. Бизнинг фикримизча, ушбу товарларнинг истеъмолини ҳам тартибга солиб туриш лозим. Бундан кўриниб турибдики, ушбу солиқнинг асосан фискал функциясига эътибор берилишида унинг иқтисодий муҳитга таъсир этиши эътибордан четда қолмоқда.

4. Акциз солиғига тортиладиган товарларга солиқ ставкаларини белгилашда ҳам анча камчиликлар мавжуд. Биринчидан, бу солиқ ставкаларининг тез ўзгарувчанлиги, яъни айрим товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари бир йилнинг ичида бир неча марта ўзгариши, бу эса солиқни давлат бюджетига ўтказишдаги ва унинг ҳисоб-китобини олиб бориш бўйича солиқ тўловчиларда муаммоларни туғдирмоқда. Иккинчидан, айрим товарлар бўйича, яъни жуда ҳам зарур бўлмаган ва бойлик белгиси ҳисобланган кумуш ва хрустал буюмлари ҳамда бошқа айрим товарлар бўйича солиқ ставкаси жуда паст, лекин хўжалик мақсадлари учун зарур бўлган айрим товарларнинг солиқ ставкаси нисбатан юқори фоизни ташкил этади, бу эса албатта жамият миқёсида бошқа товарлар нархининг ўсишига олиб келади. Бироқ шуни ҳам

таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу солиқ ставкасининг нефть маҳсулотларига нисбатан кўтарилишининг ижобий томонлари ҳам мавжуд. Жумладан, бу ишни амалга ошириш билан бошқа солиқ ставкаларининг пасайишига олиб келади. Жисмоний ва юридик шахсларга ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасини ҳар хил қилиб табақалаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ўйлаймиз.

5. Акциз солиғи суммасини давлат бюджетига ўтказишни тартиблаштириш муаммоларидан бири бўлиб, солиқни ҳар 10 кундан кейин маҳсулотни харидорларга жўнатгандан сўнг, 3 кун ичида ўтказилишидир, лекин ҳозирги тартибларга мувофиқ маҳсулотни харидорга жўнатганлигини тасдиқловчи ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилган кун маҳсулот реализациясидан далолат беради, гарчи бу маҳсулот учун хали пул тўлови келиб тушмаган бўлса ҳам. Бу эса солиқ тўловчиларда солиқ суммасини бюджетга ўтказишда қийинчиликларни пайдо қилмоқда. Бизнинг фикримизча, акциз солиғи суммасини тўлаш бир ойлик қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2012
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. –Т.: “Адолат”, 2012
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 1997 йил 29 август
4. Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 2006 йил 21 сентябрь
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1887-сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1675-сонли Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1449-сонли Қарори
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”, 2013. –32 б.
9. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: “Ўзбекистон”, 2012. –36 б.
10. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. –360 б.
11. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. –528 б.

12. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. –Т.: “Шарк”, 2009
13. Shamsutdinov F., Shamsutdinova Sh. Chet mamlakatlar soliq tizimi. Darslik. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2011
14. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. –Т.: “NORMA”, 2009
15. Йўлдошев А. Солиқ ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. –Т.: “NORMA”, 2007
16. Sanaqulova B. Kichik biznes va tadbirkorlikni soliqqa tortish. O’quv qo’llanma. –Т.: “NOSHIR”, 2012
17. Гадоев Э. Фойда солиғи. –Т.: “NORMA”, 2011. –408 б.
18. Мусагалиев А. Юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси, 2010
19. Завалишина И. Солиқлар: назария ва амалиёт. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2005
20. Гадоев Э., Кузиева Н. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлилигини ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялашга солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг роли ва аҳамияти. Ўқув-услубий қўлланма –Т.: “EL PRESS”, 2011
21. Жўраев А., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: “Iqtisodmoliya”, 2004
22. Тарасова В., Владыка М., Сапрыкина Т., Семькина Л. Налоги и налогообложение. Учебник. –М.: “Кнорус”, 2012
23. Черник Д.Г. Налоги и налогообложения: Учебник. –М.: “ЮНИТИ”, 2010
24. Майбуrows И. и другие. Налоги и налогообложение. Учебник. –М.: “ЮНИТИ-ДАНА”, 2008
25. Александров И. Налоги и налогообложение. Учебник. –М.: “Дашков и К”, 2006

26. Пансков В. Налоги и налогообложение в Российской Федерации. Учебник. –М.: “МЦФЭР”, 2006
27. Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: “Юрайт”, 2012
28. Алиев Б., Абдулгалимов А., Алиев М. Теория и история налогообложения. Учебное пособие. –М.: “Вузовский учебник”, 2011
29. Жидкова Е. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: “Эксмо”, 2010
30. Качур О. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: “Кнорус”, 2009
31. Евстигнеев Е. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –Спб.: “ПИТЕР”, 2009
32. Алиев Б. и другие. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. –М.: “Финансы и кредит”, 2008
33. Александров И. Налоговые системы России и зарубежных стран. -М.: “Бератов-Пресс”. 2002
34. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллари) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011
35. Интернет сайтлари:
<http://www.gov.uz> - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
<http://www.soliq.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
<http://www.lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
<http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
<http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
<http://www.ziyounet.uz> - Жамоат ахборот таълим тармоғи)
<http://www.nalog.ru> - Россия Федерациясининг Федерал солиқ хизмати
<http://www.fmc.uz> - “FINMANCONSULT” компанияси